


Ажойиб ечим: адабий дам олиш



11:00 / 06.02.2019 2934

Истанбулда бутун дунёга машхур бўлган жуда кўп гўзал жойлар бор. Султон шаҳрининг ажойиб ва чиройли масканлари қаторига китоб шаклида безатилган ўриндиқларни ҳам қўша оламиз.


Бу каби ўриндиқларнинг ҳар бирида турк адиблари томонидан ёзилган адабий жанрдаги китоблардан иқтибосларни ўқишингиз мумкин.


Ушбу ўриндиқлар бутун Истанбулда жойлашган бўлиб, улар орқали нафақат кутубхоналар ва китоб дўконлари, балки шаҳар кўчаларида ҳам энг яхши туркий асарлар билан танишиш имкони яратилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу ноодатий «китоблар»нинг ҳар бири адабий асарларнинг энг қизиқарли жойидан иқтибослар келтирилган бўлиб, уни ўқиган инсон китобнинг ҳаммасини ўқиб чиқишга уриниши турган гап.

Ушбу йўл билан Истанбул маъмурияти ёшларда ўқишга бўлган қизиқишни оширишга эришмоқдалар. Бу ноодатий ёндашув нафақат Истанбул аҳолисини, балки шаҳарга келган сайёҳларни ҳам жуда қизиқтириб қўйди. Султон шаҳрининг меҳмонларидан деярли ҳеч ким бу ажойиб конструктив

ёндашувлар олдидан бeфapқ ўтмaётгани ҳам эътиборга молик.







Хайруллоҳ Ҳабибуллоҳ